

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Рўйхатга олинди

№ _____

«_____» _____ 2013 й.

“Тасдиқланди”

Магистратура бўлими бошлиғи
У.Шарифхўжаев

«_____» _____ 2013 й.

“ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ” КАФЕДРАСИ

230000 – “Иқтисод” таълим соҳасининг

**5A231102 – “Ташқи иқтисодий фаолият” (тармоқлар ва фаолият
турлари бўйича) мутахассислиги талабалари учун**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ
БАЖАРИЛИШИ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

ТОШКЕНТ-2013

Услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012 йил 29 октябрдаги 418-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 18 декабрда 2405-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Магистратура тўғрисидаги низом” асосида қайта ишлаб чиқилди ва Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси мажлисида муҳокама қилинди ва тавсия этилди.

Кафедра мажлисининг _____ - сонли баённомаси, “_____” 2013 йил.

«ТАВСИЯ ЭТИЛДИ»

«Ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси мудири

И.Хотамов

«_____» _____ 2013 й.

Тузувчи: и.ф.н., доц. Хотамов И., и.ф.д., проф. Ё.Қориева

Такризчилар:

1. проф. Назарова Г.Г.
2. проф.Жалолов Ж.Ж.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблар

1.2. Магистрлик диссертациясининг мавзуси ва илмий раҳбарни танлаш, иш режасини тузиш жараёни

II. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ТАРКИБИ ВА МАЗМУНИ

III. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ

3.1. Расмийлаштириш қоидалари, магистрлик диссертациясининг ҳажми ва унинг ёзилиш услуби

3.2. Адабиётларни ёзиш қоидалари

3.3. Расмларга қўйиладиган талаблар

3.4. Магистрлик диссертациясини ҳимояга тайёрлаш тартиби

3.5. Магистрлик диссертациясига ёзиладиган тақризлар

3.6. Магистрлик диссертациясининг очиқ ҳимоясини ўтказиш ва баҳолаш тартиби

Иловалар

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини муҳокама қилишга бағишлаб ўтказилган мажлисида тараққиётнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларини таъминлашга доир ишларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил этилди. Ривожланишнинг эволюцион йўли ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, беш тамойилга асосланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг танланган моделининг изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши самарасида Ўзбекистон иқтисодиёти ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирига бардош берибгина қолмай, балки макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини таъминламоқда.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари асосан ички омиллар ҳисобидан таъминланди, хусусан охириги 9 йил мобайнида ЯИМ ҳар йили 7-9 %, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,2-12,7 %, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 4,7-8,3 % ўсди, асосан ички манбалар ҳисобидан юқори суръатлардаги асосий капиталга инвестиция ошиб бормоқда, пул даромадларининг, товар ва хизматларга бўлган ички талабнинг барқарор ўсиши таъминланди.

Иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва кенг қамровдаги тузилмавий ислохотларни амалга оширилиши натижасида ЯИМда саноат тармоғи улушининг 2000 йилдаги 14,2 %дан 2012 йилда 24,1 %гача ўсиши таъминланди, кичик бизнес ривожини фаол қўллаб-қувватланиши орқали 2012 йилда унинг ЯИМдаги улушини 54,6% га етказилди, транспорт ва алоқа тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида унинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 7,7 %дан, 2012 йилда 11,9 %гача ошди, иқтисодиётдаги сифат ўзгаришлари натижасида ЯИМ таркибида хизматлар улуши 2000 йилдаги 37 %дан 2012 йилда 52,0 % га етказилди. Шу билан бир қаторда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди. Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди¹.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорида ички саноат кооперацияси ва

¹ Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси. - «Халқ сўзи», 2013 йил, 19 январь, № 13 (5687)

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал юксалтириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини, одамлар даромади ва турмуш даражасини янада ошириш зарурлиги белгиланган. Ушуб дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, мамлакат экспорт салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида 2012 йилда иқтисодиётнинг турли соҳаларига 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти механизмини такомиллаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси учун ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган, малакали ёш мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифа бўлиб қолмоқда. “Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.²

Маълумки, иқтисодий ривожланиш жаҳоннинг барча давлатлари учун умумий табиий қонуниятлар асосида боради. Ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари, йўллари мавжуд бўлиб, улар жаҳоннинг у ёки бу мамлакатларининг жуғрофий ўрни, табиий шароити, иқлими, табиий ресурслари, аҳолиси, иқтисодий ривожланиш даражаси ва ўзаро муносабатларининг кўпгина бошқа сабабларига кўра турлича бўлади. Бу давлатларнинг иқтисодий ютуқларини атрофлича таҳлил этиш, уларнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ривожланиш йўлларида ўрнак олиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Шу сабабли магистрлик диссертациясини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари», “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” номли ва бошқа асарлари, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим

² Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси. - «Халқ сўзи», 2013 йил, 19 январь, № 13 (5687)

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузасидан бевосита фойдаланилади.

Ушбу услубий кўрсатма, кафедрада ўқитиладиган фанлардан чуқур назарий ва амалий билимларни, шунингдек ташқи иқтисодий муҳитни кенг таҳлил қилиш кўникмаларини эгаллаган, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини, шунингдек ушбу давлатларнинг иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги илғор тажрибасини ўрганган магистратура битирувчилари учун магистрлик диссертациясини талаб даражасида бажаришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Магистрлик диссертацияси талабанинг таълим дастурларини ўзлаштиришни якунловчи ва ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий–тадқиқот ишларининг натижаси ҳисобланади.

Диссертацияларнинг намунавий мавзулари кафедраларнинг етакчи профессор–ўқитувчилари томонидан (ташкилотларнинг ўз ечимини кутаётган ва истиқболли масалаларини ҳисобга олган ҳолда) ўқув йили бошланишигача шакллантирилади ва зарурият бўлганда буюртмачилар билан келишилган ҳолда, олий таълим муассасасининг илмий ишлар бўйича проректори томонидан тасдиқланади.

Диссертацияларнинг мавзулари олий таълим муассасасида шартнома ва лойиҳалар бўйича олиб борилаётган илмий–тадқиқот ишларининг бир қисми бўйича ҳам шакллантирилиши мумкин.

Диссертация мавзуси долзарб илмий–тадқиқот масалаларига ёки аниқ амалий вазифани ечишга бағишланган, шунингдек мутахассисликка мос бўлиши лозим.

Диссертацияга илмий раҳбарлик олий таълим муассасаси профессори, фан доктори, доценти ёки фан номзоди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий–тадқиқот институтлари ва илмий марказлар олимлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилари томонидан амалга оширилади.

Диссертация мавзуси ва диссертацияга илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) талабанинг диссертация мавзусини тасдиқлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш тўғрисидаги аризаси ҳамда тегишли кафедра тақдимномасининг Магистратура бўлими илмий кенгаши (ўқув–услубий кенгаши) томонидан кўриб чиқилиши натижасига кўра 1-ўқув йилининг октябрь–ноябрь ойларида олий таълим муассасасининг ректори буйруғи билан расмийлаштирилади.

Диссертацияга талаба ўқиётган олий таълим муассасасидан бошқа ташкилотлардан илмий раҳбар тайинланган ҳолда, кафедра аъзоларидан бири кафедра мудири томонидан мазкур талабага илмий маслаҳатчи этиб

тайинланади. Илмий маслаҳатчи диссертацияни белгиланган талаблар бўйича бажарилиши учун илмий раҳбар билан бир хилда масъул ҳисобланади.

Битта профессор ёки фан доктори бештагача, шунингдек битта доцент, фан номзоди, мутахассис ёки амалиётчи утагача диссертацияга раҳбарлик қилиши мумкин.

Диссертацияларнинг мавзулари тасдиқлангандан ва илмий раҳбарлар тайинлангандан сўнг 1 ой муддатда улар ҳақидаги маълумот талабалар фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда диссертация мавзулари қисқача мақсади ва вазифалари кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади.

Магистратурада талабанинг шахсий календарь иш режаси асосида таълим олишига магистратура бўлими бошлиғи, тегишли факультет декани ва кафедра мудирини ҳамда илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) масъул ҳисобланади.

Иш режа ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, диссертацияни тайёрлаш, педагогик ва малакавий амалиёт фаолиятига оид таркибий қисмлардан иборат бўлади.

Илмий раҳбар билан биргаликда ишлаб чиқилган ва тегишли кафедрада тасдиқланган иш режа магистратура бўлими тавсияси асосида олий таълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича проректори томонидан тасдиқланади.

Талаба иш режанинг бажарилиши бўйича ҳар ойда кафедра йиғилишида расмий ҳисобот беради. Бунда талабалар ҳисоботини эшитиш жадвали тегишли кафедра томонидан ишлаб чиқилади ва магистратура бўлими билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Кафедра мудирини талабаларнинг фанларни ўзлаштириши, уларнинг илмий-тадқиқот ишлари ҳолати бўйича ҳар семестрда 1 марта тегишли факультет илмий кенгаши (ўқув-услубий кенгаш)га ҳисобот бериши лозим.

Талаба илмий раҳбари иштирокида семестрлар якунида тегишли факультет илмий кенгаши (ўқув-услубий кенгаш) ва магистратура бўлимига диссертациянинг бажарилиш ҳолати, илмий, услубий мақолалар тайёрланиши, ўтказилган ижодий ишлар ва бошқалар ҳақида ёзма ҳисобот тақдим этади.

Талаба томонидан иш режасини тизимли равишда бузилиши ва талаба айби билан диссертациянинг ўз вақтида бажарилмаслиги ҳолатларида илмий раҳбар талабага илмий раҳбарлик қилишдан воз кечиши ва уни дастлабки ҳимояга тавсия этмаслиги мумкин.

1.1. Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблар

Магистрлик диссертацияси мустақил илмий тадқиқот бўлиб, у магистрларнинг таълим даражасидан, ҳамда битирувчида илмий ходимга хос бошланғич кўникма ва малакаларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Магистрлик диссертациясининг мавзуси долзарб ҳамда қоидага кўра магистрант танлаган мутахассислик бўйича аниқ илмий, амалий, назарий масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак.

Магистрлик диссертацияси унинг муаллифи мустақил илмий изланиш олиб бориш қобилиятига эгаллиги, касбий муаммоларни тушуниши ва уларни ҳал қилишнинг энг умумий усуллари ва йўл-йўриқларини билишини англатади.

Магистрлик диссертацияси магистрантнинг илмий жиҳатдан етуклиги ва ўз мутахассислиги бўйича чуқур касбий тайёргарликка эгаллигини тавсифлаши зарур. Шунинг учун унинг муаллифи ўз ишида илмий малакавий даражасини, мустақил ҳолда илмий тадқиқот юритиш ҳамда муайян илмий ёки амалий вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини намойиш эта олиши керак.

Магистрлик диссертацияси кафедрадаги илмий раҳбар томонидан тасдиқланган, диссертация масаласининг назарий жиҳатлари, муаммолари, илмий ва амалий вазифаларни таҳлил қилиш ва ҳал қилишни жамлаган ҳолда пухта ўйлаб тузилган режа асосида ёзилади.

Магистрлик диссертациясини ёзиш бўйича мазкур услубий кўрсатмада магистрантнинг амалиёт ўтиш давридаги тажрибаси, меъёрий ва ташкилотлар ҳужжатлари ва материалларидан фойдаланган ва уларни ўрганган ҳолда хорижий мамлакатлар тажрибаларини таҳлил қилиб, умумлаштириб, диссертациясида кўзда тутилган масалаларни ҳал қилиш йўл-йўриқлари берилган.

1.2. Магистрлик диссертациясининг мавзуси ва илмий раҳбарни танлаш, иш режасини тузиш жараёни

Диссертация мавзусининг тўғри танланиши унинг муваффақиятли яқунланишини таъминлайди.

Магистрлик диссертацияси мавзуси мутахассислик кафедрасида ишлаб чиқилган, магистрлик дастури йўналишига мувофиқлаштирилган. Университет ўқув-услубий Кенгашида муҳокама этилиб, Университет Илмий Кенгашида тасдиқланган тематикага мос бўлиши шарт. Тингловчи магистрлик диссертацияси мавзусини танлаб бир қарорга келгач, танлаб олинган мавзуни унга бириктириш ҳақида кафедра мудирини номига ариза ёзади. (1-иловага қаранг). Аризада магистрлик диссертацияси мавзуси тўлиқ ёзиб кўрсатилади.

Магистрантга илмий раҳбарни бириктириш масаласи ҳам илмий раҳбар розилигини олган ҳолда магистрлик диссертациялари мавзулари ва илмий раҳбарларни тасдиқлаш бўйича буйруқ лойиҳаси асосида ҳал этилади.

Буйруқ тасдиқланиб, эълон қилинган, мавзулар номи ва илмий раҳбарни алмаштириш бўйича ўзгартириш киритиш мумкин эмас.

Мавзу танлаб олинган, илмий раҳбар билан биргаликда диссертация режаси ишлаб чиқилади. Қоидага кўра, илмий раҳбар магистрлик диссертацияси режасини ишлаб чиқиш жараёнига магистрант тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар рўйхатини тузгандан кейингина қўшилиши мумкин.

Магистр илмий раҳбар билан белгиланган кунлар ва соатларда мунтазам равишда учрашиб, ўз ишини муҳокама этиб бориши ва керакли маслаҳатлар олиши керак.

Илмий раҳбарнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- талабанинг иш режасини тузишда унга ёрдам бериш;

- талабага тизимли равишда маслаҳатлар бериб бориш учун тегишли жадвални тузиш. Бунда илмий раҳбар талабага ҳафтасига камида 1 марта маслаҳат бериши кўзда тутилиши лозим;

- тадқиқот услубларини танлаш ва уларни қўллашда талабага кўмаклашиш;

- талаба томонидан иш режани бажарилишини назорат қилиш ва талабани баҳолаб бориш;

- дастлабки ҳимоя санасидан камида 3 кун олдин диссертацияга ёзма тақриз бериш.

Диссертация мавзуси ва илмий раҳбарнинг ўзгартирилиши талабанинг уларни ўзгартириш сабаблари асослантирилган ёзма аризаси асосида олий таълим муассасасининг ўқув-услубий кенгаши қарори билан амалга оширилади ва олий таълим муассасасининг ректори буйруғи билан янги диссертация мавзуси ва илмий раҳбар тайинланади.

Диссертация мавзусини ўзгартиришда илмий раҳбарнинг розилиги ҳисобга олинади.

Ўзгартирилган диссертация мавзуси ва илмий раҳбар тўғрисидаги маълумот 1 ҳафта муддатда талабалар фамилияси, исми, шарифи ҳамда диссертация мавзулари қисқача мақсади ва вазифалари кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади.

Мутахассислик кафедра мудири назорати кафедра томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган “Магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича топшириқ” асосида амалга оширилади (2-иловага қаранг).

II. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ТАРКИБИ ВА МАЗМУНИ

Магистрлик диссертацияси иқтисодий асосланган мустақил илмий тадқиқот ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилишини тўғри ва аниқ ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлиб, ишни баҳолаш ва нафақат унинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятига эътибор бериш, балки унинг услубий томонларини ва тўғри расмийлаштирилишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Диссертация қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак:
титул варақ;

икки тилдаги (ўқитиш тили ва инглиз тилида) диссертациянинг қисқача аннотацияси;

мундарижа;

кириш;

асосий қисм;

хулоса;

фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

иловалар (агар мавжуд бўлса).

Диссертациянинг титул варағи, аннотацияси, мундарижаси ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг намунавий шакли мазкур услубий кўрсатманинг иловаларида келтирилган.

Диссертациянинг кириш қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:
диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;
тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши;
тадқиқот мақсади ва вазифалари;
тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;
мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили;
тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи;
тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;
тадқиқотнинг илмий янгилиги;
диссертация таркибининг қисқача тавсифи.

Асосий қисм камида 3 бобдан иборат бўлиб, бунда тадқиқот масалалари тўлиқ ёритилиши лозим.

Асосий қисмнинг боблари ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиб бўлиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- тадқиқот мавзуси бўйича бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлилини;
- талаба томонидан олиб борилган таҳлилий ишларнинг тавсифи, тадқиқот олиб боришда қўлланилган услублар ҳамда тадқиқот воситаларининг баёини;
- диссертацияда талабанинг таълим, фан, маданият, техника, иқтисодиёт, ижтимоий ёки бошқа соҳаларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қўшган шахсий ҳиссасини;
- тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамасини.

Диссертациянинг хулоса қисмида барча қисмларда баён этилган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот муаммосининг ечими кўрсатилиши лозим. Ушбу қисм 4 бетдан ошмаслиги керак.

Фойдаланилган адабиётлар қисми. Диссертация ишини бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, шу жумладан хорижий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, нашр қилинган илмий мақолалар, олинган патентлар рўйхати ва Интернет маълумотлари матнда ишлатилиш кетма-кетлигида берилади. Магистрлик диссертациясининг сифатини янада ошириш мақсадида тегишли мавзу юзасидан камида иккита мақола тайёрлашни тавсия этилади.

Диссертациянинг илова қисмига унинг мазмун моҳиятини тушуниш учун зарур бўлмаган, қўшимча сифатида қаралувчи маълумотлар киритилади. Бунда илованинг ҳажми диссертация умумий ҳажмининг 1/3 қисмидан ошмаслиги лозим.

Диссертацияда талабалар профессионал этика қоидаларини бузилишига (плагиат, маълумотларни сохталаштириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) йўл қўймасликлари лозим.

Диссертация талаба ўқиган тилда (кафедра ёки магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ чет тилда ҳам) ёзилиши мумкин. Чет тилда бажарилган диссертацияга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда дастлабки ва расмий ҳимоялар таржима билан ўтказилади.

III. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ

3.1. Расмийлаштириш қоидалари, магистрлик диссертациясининг ҳажми ва унинг ёзилиш услуби

Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблардан бири уни қоидалар асосида тўғри расмийлаштириш ҳисобланади, чунки ишни тўғри расмийлаштириш унинг сифатини оширибгина қолмай, балки ишнинг муваффақиятини ҳам таъминлайди.

Диссертациянинг тузилмаси мавзунинг мазмунини тўлиқ ёритишга қаратилиши керак: матнда кетма-кетлик бузилмаслиги ва изчиликка риоя қилиниши шарт. Матнда янги фикрни ифодалайдиган жумлалар абзацдан ёзилади. Тугатилмаган қисмлар бошқа бетларга ўтказилмайди. Агар бирор манбалардан мисоллар келтирилса, албатта уларнинг манбаси (ҳавола) саҳифанинг энг пастки қисмида чизик тагида сатр бошидан ёзилади. Агар бир нечта манба келтирилса, ҳаволалар тартиб рақами билан кўрсатилади.

Диссертация қоида тариқасида, стандарт варақда 1,5 қатор оралиғида ёзилиши лозим, ҳар бир бет ҳошияси: юқоридан, пастдан ва ўнгдан 2 см, чапдан 3 см бўлиши, хатбоши беш ёки олти белгига тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

Диссертация матнини компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтда ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Диссертациянинг ҳажми титул варақ, мундарижа, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 80 бетдан ошмаслиги лозим.

Матндаги ҳар бир боб янги бетдан ёзилади. Бобнинг номи ёки сарлавҳаси асосий матндан қўшимча интервал билан ажратилади. Боб номидан кейин параграф номи ёзилади.

Диссертациянинг титул варағи намунага мос бўлиши керак. (3-иловага қаранг):

- диссертациянинг номи 16 - шрифтда;
- муаллифнинг исми-шарифи, фамилияси 14-шрифтда;
- малакаси 14-шрифтда;
- кафедра номи 14-шрифтда;
- даражаси 14-шрифтда ёзилади.

Диссертация мавзусининг номи, магистрантнинг исми-фамилияси, диссертация ҳамда йил сўзи бош ҳарфларда терилади. Шрифт танлашда Times New Roman ёки Arial дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Магистрлик диссертациясида статистик материаллар, аналитик ва иш жадваллари берилади. Статистик материаллардан матнда бор материални шарҳлаб беришда фойдаланилади. Таҳлилий жадваллар умумий хулоса ва шарҳларни талаб қилади. Матбуотда чоп этилган жадваллардан фойдаланилганда, улар қайси манбадан олинганлигини албатта кўрсатиш зарур.

Агар матнда чет тилидаги сўзлар келтирилса, ёки қўшимча гаплар бўлса, улар аслига тўғри ҳолда тўлалигича ёзилиши керак.

Фойдаланилган чизмалар, диаграммалар ва расмлар ҳам ёзувлар билан тўлдирилиши керак, яъни уларнинг тартиб рақами ва номи ёзилади, (масалан, 1-расм. Экспорт ҳажми). Баъзи материаллар диссертация охирида илова тарзида берилиши мумкин.

Магистрлик диссертацияси типография талабларига мос равишда муқоваланган бўлиши керак.

Диссертация папкасининг устида типография усулида “МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ” деган босма этилган ёрлиқ бўлиши керак. Иш юзасидан берилган топшириқ титул varaгидан кейин ишга тикилади ва рақамланмайди. (2-илова).

Топшириқдан сўнг аннотация жойлаштирилади ва рақамланмайди (4-илова).

Мундарижа 3-бет билан белгиланади ва намуна асосида бажарилади (5-илова).

Ишнинг асосий қисми боблардан ва параграфлардан иборат бўлиб, боблар араб сонлари билан рақамланиши керак (1 Боб) ва охирида нуқта қўйилмайди.

Параграфлар ҳам араб сонлари билан рақамланади. Бунда параграф рақамидан олдин боб рақами, сўнг параграф рақами ва номи ёзилади, охирида нуқта қўйилмайди (1.1... 3.1. ва ҳ.к.о.)

Иловаларда келтирилган формулалар алоҳида номерланиб, улар олдида илованинг ҳарф билан белгиланган рақами ҳам қўйилади. Масалан: (В 1.).

Ишдаги барча материаллар манбалардан ссилкалар, ҳаволалар орқали берилади. Масалан, {5. С. 42}

Матнда бирор параметр ёзилса, унинг олдида маъноси ёзилади. Масалан, жорий қиймат С деб олинади.

Жадваллар қуйидагича ёзилиши керак.

1-жадвал. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари
(умумийга нисбатан % ҳисобида)

№	Асосий ҳамкор давлатлар	2007	2008	2009	2010	2011	2012
1.	Россия	16,3	18,0	16,0	17,2	18,9	21,7
2.	Жанубий Корея	6,3	7,6	5,7	4,3	4,7	5,9
3.	Украина	5,3	5,8	5,0	4,2	3,2	3,5
4.	Қозоғистон	5,1	4,9	4,6	4,4	4,9	5,4
5.	АҚШ	5,0	4,5	7,1	5,0	6,3	2,8

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Боблар ва параграфлар номи абзацдан ёзилиб, нуқта қўйилмайди, тагига чизилмайди, бўғин қўчирилмайди. Агар номлар 2 ва ундан ортиқ гапдан иборат бўлса, гаплар оралиғига нуқта қўйилади.

Боблар ва матн оралиғи 15 мм бўлиши, боб ва параграфлар номи оралиғи 8 мм бўлиши керак. Ҳар бир боб янги варақдан бошланади.

Матнда кетма-кетликлар ёзилиши керак бўлган тақдирда ҳар бир позициядан олдин дефис қўйилади ёки араб ҳарфи ва қавс ёзилади, ёзув абзацдан бошланади.

Ишда ёзиладиган формулалар алоҳида қаторларга ёзилиб, формуладан ўнг томонда икки томондан қавсга олиб араб сони (1) билан рақамланади. Формула остида символларнинг маъноси ёзилади. Символларнинг маъносини ёзишдан олдин “Бу ерда” сўзи ёзилади. Формула тепаси ва пастидан камида 1 тадан очиқ қатор қолдирилади.

Мисол: Мамлакат иқтисодиётининг очиқлик даражасини ифодаловчи экспорт квотаси қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{Эк} = (\text{Э} : \text{ЯИМ}) \times 100 \% \quad (1.4.)$$

Бу ерда:

Э – экспорт ҳажми;

ЯИМ – ялпи ички маҳсулот ҳажми

Бу ерда формула 2 - бобнинг 4-параграфида берилган бўлса (2.4.) рақам билан белгиланади.

Агар жадваллар катта бўлиб, 1 бетга сиғмаса, кейинги бетда давом эттирилади. Бунинг учун 2-бетда жадвал устунларининг номи ёки рақамлари қайта ёзилади ва юқори ўнг томонга жадвалнинг давоми деб ёзилади. Жадвалнинг номи фақат олдинги бетда ёзилади.

Агар жадвалда келтирилган барча сонлар бир хил ўлчов бирлиги ёки белгисига эга бўлса, у жадвалнинг ўнг тепасида (масалан, % да) кўрсатилади. Агар ҳар хил ўлчов бирлигидан фойдаланилса, унда ҳар бир қаторда алоҳида кўрсатилади.

Агар сонлар, математик символлар, белгилар қайтарилса // -// белги ишлатилмайди ҳамда сонлар ва белигларнинг ўзи ёзилади.

Расм, схема ва графиклар чизмачилик ускуналари ёрдамида амалга оширилади. Улар матн ичида ёки иловаларда келтирилиши мумкин. Улар араб сонлари билан белгиланади. Масалан, 2-расм. Кадрларни ёллаш босқичлари.

Ёрдамчи характердаги расм, жадвал ва графиклар илова қисмида берилади. Ҳар бир илова янги бетдан ёзилади ва 1, 2, 3-илова деб белгиланади, сўнг илова номи ёзилади. Иловалар А, Б, В ... деб ҳам белгиланиши мумкин.

Баъзи манбалардан олинган маълумотлар матндан сўнг варақ остида чизиқ билан ажратилиб, чизиқ остига олинган манба ёзиб қўйилади. Ушбу сноскалар араб сонларида белгиланади: 1, 2, 3 ва ҳоказо, ёки юлдузчалар билан белгиланади. 4 дан ортиқ юлдуз билан белгилаш мумкин эмас.

3.2. Адабиётларни ёзиш қоидалари

Фойдаланилган адабиётлар ишнинг охирида берилади. Адабиётлар алфавит тартибида, қуйидаги кетма-кетликка риоя қилган ҳолда ёзилади (6-иловага қаранг):

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

IV. Асосий адабиётлар

V. Қўшимча адабиётлар

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

VII. Интернет сайтлари

Адабиётлар тўғрисидаги маълумотлар қуйидагиларни акс эттириши керак: Муаллифнинг исми-шарифи, фамилияси, адабиёт номи, шаҳар номи, нашриёт номи, нашр йили, адабиёт бетлари сони. 3 ва ундан ортиқ муаллиф томонидан ёзилган адабиётларда фақат 1 та муаллифнинг фамилияси ёзилиб ва бошқалар деб ёзилиши мумкин. Масалан, А.Б.Ахмедов ва бошқалар.

Нашр номи ва шаҳар номи бош келишда тўлиқ ёзилади. Фақат, Тошкент - Т. Москва - М., Санкт-Петербург - СП деб ёзилиши мумкин. Агар 2 та шаҳарда нашр этилган бўлса. Масалан. М., СП деб ёзилади. 2 та нашриёт номи эса “Музыка”: “Фан” деб ёзилади.

Вактли матбуот нашрлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак: муаллифнинг Ф.И.Ш., мақола номи, журнал номи, серия номи, нашр йили, том, журнал рақами, мақола ёзилган бетлари.

Илмий изланиш ҳисоботлари қуйидагича: олдин ҳисобот номи (ундан кейин қавс ичида “ҳисобот” сўзи ёзилади), унинг шифри, инвентарь рақами, ҳисобот нашр этган ташкилот номи, илмий иш раҳбарининг исми, шарифи, фамилияси, шаҳар номи, нашр йили, ҳисобот бети ёзилади.

Стандарт тўғрисидаги маълумотда стандарт белгиси ва исми кўрсатилади. Масалан, ГОСТ 7.1-99.

3.3. Расмларга қўйиладиган талаблар

Магистрлик диссертациясининг чизмали қисми ишни расмийлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланиб, тадқиқотчи ўз ишида келтирилган бир неча жадвал, чизма, диаграммаларни илмий раҳбари билан биргаликда расм учун танлаб олади. Чизмали қисм ГОСТга мувофиқ равишда расмийлаштирилиши шарт.

Ушбу услубий кўрсатмаларга риоя қилмай ёзилган ишлар ҳимоя ва аттестацияга қўйилмайди.

Расм материаллари 5-6 нусхада тайёрланиб, КИМК аъзоларига тарқатилади (А4 форматда). Улар асосида 8-10 та слайдлардан иборат тақдимот тайёрланади. Тақдимот материаллари ўзида бир неча йилларни қиёслаб берилган иқтисодий кўрсаткичларни акс эттириши керак. Айниқса, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб-китоб усуллари асосида тайёрланган слайдлар ишнинг қийматини янада оширади. Ишнинг асосий натижалари жадваллар, графиклар, диаграмма, гистограммалар тарзида берилса янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Айниқса, магистратура диссертацияси тадқиқ қилиниши натижасида қилинган иқтисодий самара кўрсатилган слайдлар ҳам жуда муҳимдир. Булар ишни иқтисодий баҳоланиши учун жуда зарур.

Охирги слайд илмий ишнинг корхона ишлаб чиқариши, ўқув ёки илмий жараёнларга татбиқ қилиниши ҳақидаги маълумотларни акс эттириши керак.

3.4. Магистрлик диссертациясини ҳимояга тайёрлаш тартиби

Диссертация расмий ҳимоя санасидан камида 1 ой олдин дастлабки ҳимоядан ўтказилиши лозим. Талабалар кафедра томонидан тузилган комиссия ва илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) иштирокида дастлабки ҳимоядан ўтади.

Дастлабки ҳимояга киргунга қадар талаба диссертация мавзусига доир камида 2 та илмий мақола ёки тезисга, ички ва ташқи ҳамда илмий раҳбар тақризига эга бўлиши талаб этилади. Талабаларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ изланиш натижалари илмий нашрларда ва таълим муассасаларининг расмий сайтларида чоп этилиши мумкин.

Дастлабки ҳимояга бошқа кафедралар ва олий таълим муассасаларидан мутахассисларни таклиф этиш мумкин. Дастлабки ҳимоя натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

Ички ва ташқи тақризчиларни олий таълим муассасасининг тегишли кафедраси тавсия этади ва уларнинг рўйхати олий таълим муассасасининг илмий ишлар бўйича проректори томонидан тасдиқланади.

Тақризчилар вазифаларига қуйидагилар киради:

тақриз ёзиш учун унга тақдим этилган диссертацияда профессионал этика қоидаларининг бузилиш ҳолатларини (плагиат, маълумотларни сохталаштириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) аниқлаш ва диссертациянинг долзарблиги, илмийлиги ва яқунланганлиги ҳақида хулосалар бериш;

белгиланган дастлабки ҳимоя санасидан камида 3 кун олдин диссертацияга ёзма тақриз бериш.

Тақризчи диссертацияда талаба томонидан профессионал этика қоидалари бузилганлигини (плагиат, маълумотларни сохталаштириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) аниқлаган тақдирда, мазкур қоида бузилишларини қисқа муддатда тузатиш имконияти мавжуд бўлмаса, мазкур диссертацияни дастлабки ҳимояга тавсия этмаслик ҳақида тақриз беради.

Талаба томонидан диссертация дастлабки ҳимоя санасига қадар кафедрага босма муқоваланган ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши лозим.

Дастлабки ҳимоядан ўтмаган, шунингдек узрсиз сабабларга кўра расмий ҳимояга тақдим этиш муддати ва тартиби бузилган диссертациялар расмий ҳимоя қилишга рухсат этилмайди. Бунда узрли сабаблар деб талабанинг касаллиги (касаллик варақаси мавжуд бўлган ҳолда) ёки ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга мувофиқ олий таълим муассасасига келиш имконияти чекланган ҳолатлар тушинилади.

Дастлабки ҳимоядан кейин 1 ҳафта муддатда ҳимоядан ўтган диссертациянинг талаба фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда илмий раҳбари, мутахассислиги кўрсатилган ҳолда аннотацияси олий таълим

муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади. Диссертациянинг аннотацияси танланган мавзунинг долзарблигини, тадқиқотнинг мақсади ва вазифасини, объекти ва предметини ҳамда тадқиқот босқичларининг қисқача тавсифи ва методологик асосларини ўз ичига олиши керак. Аннотация ҳажми 200 сўздан ошмаслиги лозим.

Диссертацияларнинг расмий ҳимоя санаси олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан тасдиқланган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Диссертация расмий ҳимояга тақдим этилганидан кейин унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга рухсат этилмайди.

Таркиби тасарруфида олий таълим муассасаси бўлган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар билан келишилган ҳолда магистратура мутахассисликлари бўйича шакллантириладиган ва Вазирлик томонидан тасдиқланадиган Магистрлик диссертацияларни ҳимоя қилиш комиссиялар томонидан диссертациянинг расмий ҳимояси ўтказилади.

Расмий ҳимоя натижалари Комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

- Диссертациянинг расмий ҳимояси қуйидагиларни ўз ичига олади:
- талабанинг тақдимотини;
- талабанинг Комиссия аъзоларини саволларига берган жавобларини;
- Комиссия аъзоларининг диссертация бўйича шарҳларини;
- Комиссия аъзолари томонидан диссертацияга берилган тавсия ва эътирозларга талабанинг билдирган фикрларини.

Талабанинг диссертация тақдимоти 20 дақиқадан ошмаган ҳолда электрон шаклдаги материаллар билан бойитилиши лозим.

Талабанинг диссертация тақдимотида қуйидаги масалалар ёритиб берилиши лозим:

- диссертация мавзусининг долзарблиги;
- диссертациянинг мақсад ва вазифалари;
- диссертация таркиби;
- тадқиқотнинг назарий пойдевори, яъни манбаларни танқидий кўриб чиқиш натижасида ҳосил бўлган ва диссертациянинг асосий қисмини ташкил этувчи тизимлаштирилган назарий билимлар;
- тадқиқотнинг методологик асосининг тавсифи;
- тадқиқот олиб борилишига доир фаразлар ва чекловчи шарт-шароитлар;
- талаба томонидан диссертацияни бажариш давомида олинган асосий натижалар ва уларнинг диссертация мавзусига тўғри келиши, ишончлилиги ва қўлланилиш соҳаси;
- талаба томонидан олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти;
- тадқиқот натижаларини ривожлантириш истиқболлари.

Талабадан тақдимотда ўрганилган муаммога тегишли масалаларни илгари суриш ва уларни ҳал этиш, умумий тенденциялар ва муайян ҳолатларни тизимли равишда ўрганиш, ҳодисаларни тадқиқ этиш, таҳлил қилиш ва

прогнозлашнинг методик услубларини билиши ва қўллай олишини намоён этиши талаб этилади.

Расмий ҳимоядан ўтган диссертациялар олий таълим муассасасида камида 10 йил сақланиши лозим.

Магистрант бажарилган диссертация учун илмий раҳбардан хулоса, оппонентдан тақриз олгач, 15-20 дақиқалик маъруза (доклад) тайёрлашга киришади.

Тадқиқотчи ҳимоя жараёнига пухта тайёргарлик кўриши керак, чунки иш қанчалик пухта, сифатли, яхши ёзилган бўлмасин, уни ҳимоя қилиш жараёнидаги камчиликлар ишнинг баҳосини пасайтириши мумкин.

Муваффақиятли ҳимоя яхши тайёрланган маърузага асосланади. Унда магистрнинг илмий иши акс этиши, ишнинг долзарблиги, илмий-изланишида қандай усуллар қўллангани, ишнинг мазмун ва моҳияти, иш юзасидан қўрилган натижалар, ишнинг таҳлили, таклиф, мулоҳаза ва хулосалар батафсил баён этилиши керак. Ишни ҳимоя қилиш пайтида аввалдан тайёрланган тақдимотдан фойдаланилади.

Маъруза ёзма равишда тайёрланади, лекин ҳимоя вақтида матн ўқиб берилмасдан, балки оғзаки, чиройли қилиб гапириб бериш ҳам керак. Маъруза қисқа, тўғри, бехато, аниқ ёзилиши керак.

Маърузанинг қисқача мазмуни аннотацияда баён этилиши керак. Қайд этилган барча ҳужжатлар билан бирга магистрант диссертациянинг 1-3 бет ҳажмидаги аннотациясини Кичик илмий махсус кенгаш (КИМК)га тақдим этади. Аннотация ўзбек ёки рус тилида тайёрланади (4-иловага қаранг).

3.5. Магистрлик диссертациясига ёзиладиган тақризлар

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарнинг хулосаси, ички ва ташқи тақриз берилади. Улар ҳам маълум қоида асосида ёзилиши керак. Илмий раҳбарнинг хулосаси, ички ва ташқи тақриз қуйидагича ёзилиши шарт:

Илмий раҳбар хулосаси:

1. Диссертация мавзусининг долзарблиги;
2. Мавзунинг магистрант амалиёт жойи билан боғланганлик даражаси;
3. Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари муаллиф томонидан қай даражада ёритилганлиги;
4. Тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги;
5. Тадқиқот натижаларининг асосланганлиги;
6. Тадқиқотчининг илмий таҳлил қилиш қобилиятини қисқача таърифлаш;
7. Магистрант берган хулоса ва таклифларининг сифати;
5. Диссертациянинг қўйилган талабларга мос келиш ёки келмаслиги;
6. Диссертацияда профессионал этика қоидаларининг бузилиш ҳолатларини (плагиат, маълумотларни сохталаштириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) аниқлаш;
7. Белгиланган дастлабки ҳимоя санасидан камида 3 кун олдин диссертацияга ёзма тақриз бериш.

Ички ва ташқи тақризчиларни олий таълим муассасасининг тегишли кафедраси тавсия этади ва уларнинг рўйхати олий таълим муассасасининг илмий ишлар бўйича проректори томонидан тасдиқланади.

Тақризчилар вазифаларига қуйидагилар киради:

- тақриз ёзиш учун унга тақдим этилган диссертацияда профессионал этика қоидаларининг бузилиш ҳолатларини (плагиат, маълумотларни сохталаштириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) аниқлаш ва диссертациянинг долзарблиги, илмийлиги ва яқунланганлиги ҳақида хулосалар бериш;

- белгиланган дастлабки ҳимоя санасидан камида 3 кун олдин диссертацияга ёзма тақриз бериш.

- тақризчи диссертацияда талаба томонидан профессионал этика қоидалари бузилганлигини (плагиат, маълумотларни сохталаштириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) аниқлаган тақдирда, мазкур қоида бузилишларини қисқа муддатда тузатиш имконияти мавжуд бўлмаса, мазкур диссертацияни дастлабки ҳимояга тавсия этмаслик ҳақида тақриз беради.

Талаба томонидан диссертация дастлабки ҳимоя санасига қадар кафедрага босма муқоваланган ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши лозим.

Тақриз ҳажми компьютерда ёзилган 2-5 бетдан иборат бўлади. Диссертация ютуқлари ва камчиликларини далилий тарзда ёритувчи ушбу ҳужжат ҳимоя пайтида диссертация натижалари муҳокама қилинаётганда Кичик илмий махсус кенгаш йиғилишида ўқиб эшиттирилади.

Кафедра ишни кўриб чиққач, дастлабки ҳимоя куни ва вақтини белгилайди. Дастлабки ҳимоядан муваффақиятли ўтган диссертация кафедра қайдномаси билан расмийлаштирилиб, очиқ ҳимояга тавсия этилади.

3.6. Магистрлик диссертациясининг очиқ ҳимоясини ўтказиш ва баҳолаш тартиби

Магистрлик диссертациясининг ҳимояси илмий мунозара характерига эга бўлиб, ўта талабчанлик ва қатъият билан илмий мулоқот одобига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Кичик илмий махсус кенгаш раиси диссертация ҳимояси вақтида мавзунинг номи, муаллифнинг исми-шарифи, шунингдек, бошқа зарурий ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳақида ахборот бериб, магистрнинг “таржимаи ҳоли”, унинг ўзлаштириши, агар мавжуд бўлса, чоп этилган мақолалари ва бошқалар тўғрисида қисқа тавсиф беради.

Сўнг сўз илмий раҳбарга берилади. Илмий раҳбар магистрантнинг тадқиқот иши юзасидан ўз хулосасини ва бошқа шахсий жиҳатлари ҳақида ўз мулоҳазасини билдиради. Агар илмий раҳбар ҳимояга кела олмаса, унинг хулосаси КИМК аъзоларига ўқиб эшиттирилади.

Сўнг маъруза учун сўз магистрга берилади. У аввалдан тайёрлаб келган ёзма маъруза асосида 20 дақиқа давомида ишнинг асосий мазмунини гапириб беради.

Магистрант КИМК аъзолари диққат-эътиборини асосан ўтказилган тадқиқотнинг якуний натижаси, шахсан ишлаб чиққан янги назарий ва амалий йўл-йўриқларга қаратмоғи керак. Маъруза чоғида барчанинг эътиборини зарур ҳолларда қўшимча тайёрланган слайд, жадвал ва графикларга қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Нафақат нутқ матнининг мазмуни, балки уни ўқиб ёки гапириб бериш, берилган саволларга ишончли, дадил жавоб бериш, эркин нутқ сўзлаш қоидаларига риоя қилиш ҳам маълум даражада ҳимоя даражасини аниқлайди. Магистрантнинг нутқи нафақат тушунарли бўлиши, шунингдек ифодали бўлиши ҳам зурур.

Магистрант маърузасидан сўнг КИМК раиси расмий тақризчининг бажарилган диссертацияга берган тақризини ўқиб эшиттиради ҳамда тақризда кўрсатилган таклиф ва мулоҳазаларга ўз муносабатини билдириш ва саволларга жавоб бериш учун магистрантга сўз беради

Шундан сўнг КИМК аъзолари томонидан муҳокама ва илмий мунозара бошланади. КИМК аъзолари диссертацияга дахлдор бўлган муаммолар, тадқиқот усуллари бўйича исталган саволларни оғзаки тарзда бериб, тадқиқот жараёни ва бажарилган амалий ишлар натижаларини аниқлашлари мумкин.

Бериладиган жавоблар масаланинг моҳиятига тааллуқли бўлиши, магистрант берилган саволларга камтарлик ва хушмуомалалик билан жавоб бериши лозим.

Саволларга жавоб беришдан олдин уни диққат билан эшитиб, ёзиб олиши зарур. Барча саволларни эшитиб, сўнг жавоб бергандан кўра, ҳар бир саволга дарҳол жавоб берилгани маъқулроқ.

Мунозара тугагач, магистрант хоҳишига кўра унга якунловчи сўз берилади.

КИМК аъзоларининг ёпиқ йиғилишида ҳимоя якуни кўриб чиқилади ва уни баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур қарор ҳайъат аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Сўнг КИМК раиси барча иштирок этувчиларга ҳимоя натижасини маълум қилиб, ҳимоя қилувчига магистр академик даражаси берилганлигини билдиради ва йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

Расмий ҳимояда Комиссиянинг ҳар бир аъзоси талабани қуйидаги мезонлар асосида баҳолайди:

№	Баҳолаш мезонлари	Максимал балл (100 балл)
1.	Диссертация мавзусининг долзарблиги, ундаги масалаларнинг аниқлиги ҳамда уларнинг мавзуга алоқадорлиги	5
2.	Диссертация мавзусини очиб беришда ҳамда ундаги масалаларни ҳал қилишда талабанинг мустақил ёндашуви	20
3.	Диссертацияни ёритишда фойдаланилган илмий адабиётлар, илмий нашрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек чет тилдаги манбаларни танқидий таҳлилининг тўлиқлиги ва чуқурлиги	10

4.	Диссертациянинг мақсади, ундаги масалалар ва фаразларни шакллантиришда назарий ёндашувларнинг ишлатилиш даражаси	5
5.	Диссертациядаги масалаларни ҳал қилишда сифат ва миқдорий тадқиқот усулларида фойдаланишнинг асосланганлиги ҳамда фойдаланилган тадқиқот усуллари имкониятлари ва чегараларининг танқидий таҳлили	5
6.	Талаба томонидан йиғилган ва шакллантирилган бирламчи ҳамда иккиламчи маълумотларнинг ҳажми ва янгилик даражаси, уларнинг диссертациядаги масалаларга мослигининг асосланиши, уларни тўплаш усуллариининг танқидий таҳлили	5
7.	Талаба томонидан тўпланган ва шакллантирилган маълумотлар асосида олинган натижаларнинг диссертацияга мослиги, ишончлилиги ва қўлланилиш соҳаларининг мавжудлиги	5
8.	Олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларни диссертациянинг назарий қисмига алоқадорлиги ҳамда мақсад ва вазифаларига мослиги	5
9.	Диссертациянинг илмий янгилик даражаси ва унинг натижаларини маҳаллий ҳамда халқаро амалиётдаги аҳамияти	10
10.	Тадқиқот натижаларини ривожлантириш истиқболларини талабанинг моҳиятан тушуниб етганлиги	5
11.	Диссертация ёзилишида назарий ва амалий қисмларининг ўзаро мантиқий боғлиқлиги ва тизимлилиги	10
12.	Ҳимояда талабанинг илмий мунозара олиб бориши ҳамда аудитория билан ишлаш маданияти	15
	Жами балл	100

Илмий раҳбар ва тақризчиларнинг тақризларидаги, шунингдек КИМК ҳар бир аъзосининг юқорида қайд этилган мезонларга кўра қўйган баҳолари умумлаштирилган ҳолда диссертацияга якуний баҳо қўйилади.

Ҳимоя вақтида, ҳар бир берилган саволга тўғри жавоб максимал 3 баллгача баҳоланади.

Ишни ҳимоя қилиш вақтида қуйидаги талабларнинг бажарилганлиги орқали “бонус бали” қўшиб берилиши мумкин:

- Президент И.А.Каримов асарларини ўрганганлиги ва улардан унумли фойдаланганлиги – 1 балл;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кенг ва ўринли фойдаланганлиги – 1 балл;
- мавзу бўйича энг сўнгги илмий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тақдимотда фойдаланиш – 1 балл.

Диссертация расмий ҳимояга қўйилмаган ёки унга қониқарсиз баҳо қўйилган тақдирда талаба уни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш тартиб қоидаларига риоя қилган ҳолда кейинги 3 ўқув йили давомида қайта ҳимоя қилиши мумкин. Ушбу муддат ўтгандан сўнг диссертацияни ҳимоя қилишга рухсат берилмайди.

Расмий ҳимоядан ўтмаган диссертация масаласи илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) иштирокида олий таълим муассасасининг илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилади. Бунда олий таълим муассасасининг илмий кенгаши диссертацияни ҳимоядан ўтмаганлигига илмий раҳбарнинг узрсиз сабабларга кўра қилган камчилиги ёки масъулиятсизлиги оқибатида йўл қўйилган деб қарор қилган тақдирда, ушбу илмий раҳбар диссертацияларга

илмий раҳбарлик қилиш ҳуқуқидан кейинги 3 йилгача бўлган муддатга маҳрум этилиши мумкин.

Расмий ҳимоядан ўтган диссертациялар олий таълим муассасасида камида 10 йил сақланади.

1-Илова
“Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси мудири

_____ га
_____ гуруҳ
талабаси
_____ дан

АРИЗА

Сиздан _____

_____ (магистрлик диссертацияси мавзусининг тўлиқ номи)

мавзудаги магистрлик диссертациясини менинг номимга тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

Диссертация _____

_____ (ташкилот номи)

материаллари асосида тайёрланади.

_____ (сана)

_____ (талаба имзоси)

Келишилган:

_____ (кафедра номи)

Кафедра мудири:

_____ (имзо)

_____ (сана)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кафедра мудири доц. И.Хотамов

«_____» _____ 2013 й.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ТОПШИРИҚ

Талаба _____ га
(ф, и, ш)

Мутахассислик: «Маркетинг (ташқи иқтисодий фаолият)»

Магистрлик диссертация мавзуси _____

1. Иш раҳбари _____

(Ф. и. ш. илмий даражаси ва унвони)

2. Ишнинг мақсади _____

3. Иш мундарижаси (режаси)

Бажариш муддати:

I - боб. _____

«_____» _____ 201__ йил

II - боб. _____

«_____» _____ 201__ йил

III - боб. _____

«_____» _____ 201__ йил.

Хулоса ва таклифлар

7. Ишни бажариш учун зарур бўлган:

а) Адабиётлар манбалари: _____

б) Ҳуқуқий актлар _____

в) Статистик ва бошқа ҳақиқий маълумотлар: _____

8. Тасвирий материаллар:

9. Ишни топшириш муддати « ____ » _____ 20__ йил.

Илмий раҳбар

(имзо)

Топшириқни бажариш учун олдим

(талаба имзоси)

Топшириқ берилган кун

« ____ » _____ 20__ йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 013.17*

АХМЕДОВ ОЛИМ АБДИСАИТОВИЧ

**Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда корхона бизнес
стратегиясини такомиллаштириш йўллари**
(“UzmaKomprogress” масъулияти чекланган жамияти мисолида)

5A340301 – “Маркетинг (ташқи иқтисодий фаолият)”

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
доц. Ахмедов И.А.

Тошкент – 2013

Қисқача аннотация ўзбек тилида

Қисқача аннотация инглиз тилида

Магистрлик диссертация иши «Ташқи иқтисодий фаолият» кафедрасида
дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ - сонли баённома «____» _____ 2013 й.

Илмий раҳбар: доц. Ахмедов И.А.

имзо

сана

Тақризчи: и.ф.н. Бойбеков А.Ш.

имзо

сана

Магистр: Ахмедов О.А.

имзо

сана

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Магистратура бўлими

Кафедра: Ташқи иқтисодий фаолият
Ўқув йили: 2012-2013

Магистратура талабаси: Содиқова Шахзода
Султановна

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Ахмедов И.А.

Мутахассислиги: “Маркетинг” (ташқи иқтисодий
фаолият)

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзу: “Янги индустриал мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий
модернизациялашни амалга оширишда Осиё давлатларининг тажрибаси”

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон ҳўжалигида ҳозирги кунда иккита асосий тенденция – глобаллашув ва минтақавий иқтисодий интеграциялашув жараёнлари кўзга ташланади. Бу жараёнларнинг жадал ривожланиши ва кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсмотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайишига олиб келади. Глобаллашув ва минтақавий интеграциялашувнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб турли мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсмотида фаол ва самарали иштирок этиш, иқтисодий ўсишини тезлаштириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш учун халқаро савдодан, инвестициялар айирбошладан, ишлаб чиқариш кооперациясидан, илмий-техник ҳамкорликдан фойдаланишга интилиш ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси — бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат”.³

Бундай шароитда минтақавий интеграция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ушбу инқирознинг оқибатлари ва салбий таъсирларини ҳисобга олиш талаб этилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, глобаллашув шароитида Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро интеграциялашув жараёнларини амалга ошириш тенденцияларини ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Ишнинг мақсади. Амалга оширилаётган ишнинг мақсади жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида Марказий Осиёда иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантириш омиллари ва муаммоларини комплекс таҳлил қилиш асосида минтақа мамлакатлари интеграциясини ривожлантириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг вазифалари. Мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- халқаро иқтисодий интеграция жараёнининг моҳияти ва асосий кўринишларини ўрганиш;
- иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси билан танишиш;
- Марказий Осиё интеграциясини ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш;
- интеграциялашувнинг истикболли йўналишлари ва уларни ривожлантириш

³ Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси. - «Халқ сўзи», 2013 йил, 19 январь, № 13 (5687)

муаммоларини таҳлил қилиш;

- Марказий Осиёда иқтисодий интеграцияни ривожлантиришда халқаро тажрибадан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

- жаҳон молиявий инқирози шароитида Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий интеграциясини ривожлантириш йўналишларини аниқлаш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва минтақавий интеграция жараёнлари, уларнинг миллий иқтисодиётлар ривожига таъсири кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ушбу масалалар жумладан, П.Н. Линдерт, М.Портер, М.Алле, Ю.В.Яковец, П.Кругман, Дж. Бхагвати каби хорижлик, А.П.Киреев, Е.Ф.Авдокушин, С.В.Фомишин, В.К.Ломакин каби россиялик олимларнинг илмий асарларида ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида ташқи савдони ривожлантириш сиёсати ва йўналишлари каби масалалар Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Б.Ходиев, А.Бекмурадов, А.Ўлмасов, Н.Тухлиев, А.Расулев, Г.Назарова, Н.Сирожиддинов ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиш хусусиятлари, омиллари ва истикболли йўналишлари уларнинг умумий ижтимоий-иқтисодий муҳитга эгаллиги, глобал молиявий-иқтисодий ўзгаришларнинг таъсири нуктаи назардан ўрганилган. Диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Трансмиллий корпорациялар, уларнинг моҳияти, шакллари, вужудга келишининг асосий сабабалари таҳлил қилинган;
- Трансмиллий корпорацияларнинг жаҳон хўжалигини ривожига қўшган ҳиссасини ўрганилган;
- Трансмиллий корпорациялар ва уларнинг хорижий мамлакатлар иқтисодиётига таъсири таҳлил қилинган;
- ТМКларнинг миллий иқтисодиётга кириб келишининг объектив заруриятини асосланган;
- Ўзбекистон Республикасига трансмиллий корпорацияларни жалб қилиш ва шакллантириш имкониятлари бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий интеграция жараёнларини амалга ошириш тамойиллари ва йўналишлари билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлардир.

Магистрлик диссертация иши таркиби. Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлашган ифодаси.

Диссертация ишининг пировардида шуни таъкидлашимиз лозимки, жамиятнинг барқарор иқтисодий ривожланиши ва ижтимоий фаровонлигини таъминлашда давлатнинг роли муҳим бўлиб, давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бош ислохотчилик ролини ўйнашида унинг молиявий ресурслар манбаи ҳисобланувчи бюджетнинг роли муҳимдир.

Ҳозирги иқтисодий ислохотлар ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон бюджетининг даромад қисмини таъминлай олувчи, муқобил солиқ турларини қўллаш масалалари олдинги қўйилиши ва ечилиши лозим.

Илмий раҳбар

(имзо)

(ф.и.ш.)

Талаба

(имзо)

(ф.и.ш.)

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш	3
I боб.	Ташкилот ташқи иқтисодий фаолияти маркетингининг назарий асослари	8
1.1.	Ташкилотнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва унинг турлари.	8
1.2.	Ташкилотнинг хорижий бозорларга кириш ва у ердаги маркетинг стратегиялари	15
1.3.	Ташкилотнинг маркетинг хизматини ташкил этиш таъминлари.	26
	I боб бўйича хулоса	
II боб.	«WESTONE AZIYA» МЧЖ фаолиятининг иқтисодий таҳлили	36
2.1.	«Westone Aziya» ташкилот фаолияти, таркибий тузилиши ва бошқарув тизими	36
2.2.	«Westone Aziya» ташкилотнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили	40
2.3.	«Westone Aziya» ташкилотнинг ташқи иқтисодий ва маркетинг фаолияти	49
	II боб бўйича хулоса	
III боб.	Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш даврида «WESTONE AZIYA» МЧЖнинг ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш йўллари	60
3.1.	Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш орқали ташкилотларни ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш	60
3.2.	«Westone Aziya» ташкилот фаолиятини такомиллаштириш йўллари.	68
	III боб бўйича хулоса	74
	Хулоса	78
	Адабиётлар рўйхати	84
	Илова	90

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатлари ва чоралари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 й.
4. «Чехия, Эстония, Кипр, Венгрия, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словения ва Словакия Республикаларининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим Баённомасини (Брюссель, 2004 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2005 йил 18 май.
5. «Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2007 йил 2 апрель ЎРҚ–80-сон.
6. «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2007 йил 2 апрель ЎРҚ–81-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январ) ратификация қилиш ҳақида 03.07.2006
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПК-1073-сон қарори. 17.03.2009 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 апрелдаги ПК–1092-сон «2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори 16.07.2008
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” Фармони 04.12.2008
12. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони.

13. “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 07.21.2005.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.2008 йил 283-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида” Қарори.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

15. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». - Т.:Ўзбекистон, 2009.

16. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш – давр талаби». «Халқ сўзи», 2009 йил 14 феврал.

17. Каримов И.А. “2012 йил Ватанimiz тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» - «Халқ сўзи», 2012 йил, 20 январь.

18. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

19. Тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг ишончли кафолати. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг саммитида сўзлаган нутқи. 06.16.2006.

20. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 25 феврал.

21. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”.–Т.: Ўзбекистон, 2010.

22. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. –Т: Ўзбекистон, 2011.

23. Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси. - «Халқ сўзи», 2013 йил, 19 январь, № 13 (5687)

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

24. Постановление Агентства по внешним экономическим связям, Министерства финансов, Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан от 11 ноября 2004 года №№ ЭГ-01/10-4238, СР/13-01/3-46/128, 01-02/20-35 «О внесении дополнений в Перечень стран, с которыми подписаны

Соглашения о торгово-экономическом сотрудничестве с предоставлением режима наибольшего благоприятствования». Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 14 января 2005г. Регистрационный № 426-4.

25. Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом (ЎЗР ВМ 30.09.2003 й. 416-сон Қарорига 1-илова)

26. Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида (ЎЗР АВ 04.10.2005 й. 1514-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МББ 24.09.2005 й. 268-В-сон, ЎЗР ИВ 64-сон, ЎЗР МВ 94-сон ва ЎЗР ДБК 01-02/19-22-сон Қарори)

IV. Асосий адабиётлар

27. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

28. Б.Ю.Ходиев ва бошқалар. “ЎЗР Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма”. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

29. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

30. Мировая экономика: учебник /под. ред. Б.М. Смитиенко. - М.: Высшее образование, Юрайт - Издат, 2009.- 581 с.

31. Ломакин. В.К. Мировая экономика: учебник. - М.: ЮНИСТИ-ДАНА, 2008. - 671 с.

32. Назарова Г.Г. ва бошқалар. Маркетинг(ташқи иқтисодий фаолият). Дарслик. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007.

33. Назарова Г.Г., Назарова Р.Р., Юсупов А.С., Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. – Т. ТДИУ, 2005, 178 б.

34. Шодиев Р.Х. “Жаҳон иқтисодиёти”. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 2005.- 215 б.

35. Воронин В.П., Кондракова В.Г., Подмолодина И.М. Мировая экономика. М. 2008.

36. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. Учебник. М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.

37. Назарова Г.Г. ва б. Жаҳон иқтисодиёти. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007.

V. Қўшимча адабиётлар

38. Мировая экономика: прогноз до 2020 года /под ред. акад. А.А. Дынкина – М.: Магистр, 2008.

39. Кузык Б.Н., Яковец Ю.В. Россия- 2050. Стратегия инновационного прорыва. М. «Экономика». 2004.
40. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана. Т.: УМЭД, 2004.
41. Алимов Р.М. и др. Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность.. Т.: 2002.
42. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005.-273 б.
43. Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиётига интеграция. Т.:ТДИУ. 2004.
44. Шоҳаъзамий Ш. Жаҳон молиявий инқирози сабаблари, давомийлиги ва сабоқлар. //Иқтисодиёт ва таълим. 2008, №4.
45. Шаакрамов Қ. Глобаллашув шароитида мамлакатнинг индустриал-инновацион ривожланиши ва иқтисодий ўсиш омиллари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2008, №4.
46. Мухитдинов Х. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацияли ривожлантириш истиқболлари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2008, №4.
47. Морозов Ю. Россия, запад и страны ШОС в энергетических проектах Центральной Евразии. //Центральная Азия и Кавказ. 2008, №5.
48. Шишков Ю. Регионализация и глобализация мировой экономики: альтернатива или взаимодополнение? //МЭ и МО, 2008, № 8, с.7.
49. Рахимов М. Межгосударственные интеграционные процессы в Центральной Азии: состояние, проблемы и перспективы. //Общественное мнение. 2008, № 19
50. Исамухамедов А. Ўзбекистон ва ШХТ мамлакатлари: экспорт ва импорт шарҳи. //Ҳамкор. Uz. 2008, № 17.
51. Чет эл инвестицияларини жалб этишнинг истиқболли йўналишлари. //Ҳамкор. Uz. 2008, № 17.
52. Ҳасанов Ш., Нурматов Н., Убайдуллаев О. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги янги халқаро шартномалари. //Ҳамкор. Uz. 2008, № 16.
53. Рустамова Л. Дальнейшее укрепление регионального сотрудничества в сфере торговли и транспортных коммуникаций. //Бизнес вестник Востока. 2008, №10.
54. Хашимов А. ЦАРЕС: измерение в сфере энергетики. //Деловой партнер. uz. 2008. № 25.
55. Рахматуллина Г. Проблемы энергетического взаимодействия стран Центральной Азии: некоторые пути решения вопроса. //Центральная Азия и Кавказ. 2007, №4.
56. Ценовые игры России на рынке государств Центральной Азии. //Центральная Азия и Кавказ. 2008, №5.
57. Бобоев А. Дўстлик ва ҳамкорлик самаралари. //Халқ сўзи. 2008. № 81.
58. Бобоев А. Қадимий қардошликка асосланган ҳамкорлик. //Халқ сўзи. 2009. № 42.
59. Ревякин Е. Инерция интеграции как одна из особенностей ее динамики.

//“Мировая экономика и международные отношения”. 2006, №7.

60. Клинова М. Новый «экономический патриотизм» в Европе: хорошо забытое старое. //МЭиМО, 2008 № 4.

61. Тауш А. «Разрушительное созидание»? (Рассуждения в духе Шумпетера о некоторых трендах и Лиссабонском процессе в Европе) //МЭиМО, 2008, № 10.

62. Абдуллаева Л. Расширение Европейского союза и торгово-экономическое сотрудничество стран Центральной Азии. //Экономическое обозрение. Июнь, 2004.

63.Орифхонов Ш. Марказий Осиё умумий бозорининг Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда шаклланиши. //Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. Т.2006.

64.Bhagwati J. Termites in the Trading Sistem: How Preferential Trade Agreements are Undermining Multilateral Free Trade. Oxford, 2007.

65.Keet P., De Villiers R. South Africa and the Non Aligned Movement in an Area of Regionalization and Globalization. Pretoria, 1999.

66.Byee M. Unions douanaieres et donnees nationals. 1950. Viner J. The Customs Union Issue. N.Y. 1950.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

67.XXII Международные Плехановские чтения М.: 2009

68.“Иқтисодиёт ва таълим” журнаלי. 2007-2009 йй.

69. “Халқ сўзи” газетаси. 2009-2012 йй. сонлари

70.“Правда Востока” газетаси. 2009-2012 йй. сонлари

71.“Экономическое обозрение” журнаלי. 2009-2012 йй. сонлари

72.“Мировая экономика и международные отношения” журнаלי. 2006-2009 йй. сонлари

73.Статистическое обозрение Узбекистана. Т.: 2012

74.World Economic Outlook. IMF.

75.UNIDO Industrial Development Report .

76.IMF.World Economic Outlook.

VII. Интернет сайтлар

77.www.gov.uz

78.www.press-service.uz

79.www.mfer.uz

80.www.UzA.Uz.

81.www.review.uz

82.www.cer.uz

83.www.businesspress.ru

84.www.mfa.uz

85.www.urto.ru

86.www.reuters.ru

87.www.centran.ru

“Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси

“Маркетинг(ташқи иқтисодий фаолият)” мутахассислиги бўйича

Иқтисод магистри илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясининг
дастлабки ҳимояси

БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“ _____ ” _____ 2013 й.

Талаба _____ нинг
Диссертация иши мавзуси _____

Илмий раҳбари

_____ (илмий раҳбар исми-фамиляси, лавозими, илмий даражаси)

Диссертация ишининг натижалари:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

Магистрлар қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

Диссертация ишининг режаси тадқиқ қилинаётган мавзунини тўлиқ ёритганми?

Адабиётлар тўлиқлиги (7 банд бўйича ва йилларнинг кетма-кетлиги тўғри қўйилганлиги)

Тадқиқотда фойдаланилган адабиётларга ҳаволалар мавжудлиги.

Ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги (далолатнома).

Ўқув жараёнига тадбиқ этилганлиги (далолатнома).

Диссертация ишидаги асосий камчиликлар:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

Диссертация дастлабки ҳимоясида талабага берилган саволлар:

1. _____

2. _____
3. _____
4. _____

Тадқиқот иши ҳолати ҳақида якуний тавсияномалар:
(Бажарилмаган бандларни кўрсатган ҳолда ёзилади)

Ҳимояга тавсия этилади _____

Ҳимояга тавсия этилмайди _____

Комиссия раиси: _____

Аъзолари:

1. _____
2. _____
3. _____

Диссертация иши сифатига жавобгар шахслар:

Кафедра мудири _____
(Ф.И.Ш., имзо, сана)

Илмий раҳбар _____
(Ф.И.Ш., имзо, сана)

Диссертация ишини бажарган талаба _____
(Ф.И.Ш., имзо, сана)

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

Ўқув ишлар проректори

Доц. Б.Б.Усмонов

«_____» _____ 2013 йил

ТДИУ Магистратура бўлими «Маркетинг(ташқи иқтисодий фаолият)»
мутахассислиги бўйича битирувчи талабасининг магистрлик диссертация ишлари
тавсияларини ўқув жараёнига қўлланиши бўйича

ДАЛОЛАТНОМА

Тошкент шаҳри 2013 йил «_____» _____

Талаба _____ нинг

(фамилияси, исми, отасининг исми)

(магистрлик диссертация иши мавзуси)

Илмий раҳбари: _____

Магистрлик диссертация ишининг асосий натижалари, боблар ва параграфлар бўйича
бетлари кўрсатилган ҳолда фаннинг маъруза матнларида, амалий машғулотида,
лаборатория, компьютер ишларида ҳамда магистрлик диссертацияларда ёки кейс стабилар
тайёрлашда фойдаланишини аниқ кўрсатиш керак.

1. Маъруза матнларида (бетларини кўрсатинг): _____

2. Амалий машғулотида (бетларини кўрсатинг): _____

3. Лаборатория ва компьютер ишларида (бетларини кўрсатинг): _____

4. Кейс стабиларда (бетларини кўрсатинг): _____

5. Магистрлик диссертацияларда (бетларини кўрсатинг): _____

Комиссия раиси _____

Аъзолари 1. _____

2. _____

3. _____